

Мафтуна АБДУРАХМОНОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ҚАЛАМИН ОЛГАН



Ислом дини ривожланиш даврида одамлар орасида турли ақидавий ихтилофлар юзага кела бошлаган эди. Бунинг замирида Калом илмининг энг нозик масалалари, Куръони Каримнинг муташобих оятларини қандай талқин қилиш, «Қазо ва қадар» масалалари ётар эди.

Бу даврда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига бориб, улардан ўз саволларига жавоб олар эдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом одамлар орасидаги бу каби ихтилоф ва баҳс-мунозараларга барҳам берарди. Лекин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сўнг ақидавий ихтилофлар ва тортишувлар оқибатида қонли тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтди. Ислом тарихига абадий муҳрланган Сиффин жанги ва Жамал воқеалари рўй берди. Бунинг ортидан Ислом динида икки катта ақидавий гуруҳ, хорижийлар ва шиалар пайдо бўлди. Мазкур икки гуруҳга кирмаганлар эса «Аҳли сунна ва-л жамоа» эди. Бу ном ислом оламида суннийлик йўналиши деб ҳам эътироф этилади. Суннийлик йўналиши эса вақт ўтиб тўртта фикҳий мазҳаб: ҳанафия, ҳанбалия, моликия, шофеия ва икки ақидавий йўналиш: мотуридия ва ашъария йўналишларига бўлинди.

«Таъкидлаш жоизки, мусулмонлар орасида юзага келган бу парчаланиш на шариат қонунларига на Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг кўрсатмаларига (суннатга) тўғри келар эди. Бироқ буни ўз вақтида кўра, билган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларининг вафотларидан кейин мусулмон уммати орасида бўлиниш юзага келишини қуйидагича башорат қилган эдилар:

«Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетади. Улардан биттаси нажот топади, қолгани эса ҳалокатга учрайди. Расулуллоҳ (с.а.в) дан сўрашди: «Нажот топадиганлар кимлар?». Жавоб бердилар: «Аҳли сунна ва-л жамоа». Яна сўрашди: «Аҳли сунна ва-л жамоа кимлар?». Расулуллоҳ (с.а.в) жавоб бердилар: «Менинг ва саҳобаларимнинг йўлларини ушлаганлар (Имом Абу Довуд, Имом ибн Можа, Имом Аҳмад ривояти)»¹.

Аҳли сунна ва-л жамоадаги юқорида номлари зикр қилинган икки ақидавий йўналиш, яъни мотуридия ва ашъария таълимотлари ўзининг фаолияти давомида ақидада адашган, мўътазилия, мушаббиха, муржия, жабария, қадария ва карромия каби оқимларга қарши ғоявий кураш олиб бордилар. Шунга қарамай баъзи уламолар бу икки таълимотга ҳам қарши чиққанлар. Ушбу уламолар ҳар қандай ақидавий оқимлар илгари сурган ғоявий қарашларни шариатга ва суннатга ҳилоф деб ҳисобладилар. Лекин бу фикрга қўшилмаганлар ҳам бор эди. Мана шундай танқидий фикрларга қарамай, исломий илмларнинг шоҳи бўлмиш

¹ Калом (Ақоид). Т.: «Ҳилол нашр» нашриёти, 2019. 3 б.

ақоид илми билан машғул бўлган, изланишдан бир фурсат ҳам ортга чекинмаган суннийлик йўналишидаги ақидавий мактаблар асосчилари бу эзгу йўлда шахдам қадам ташлайвердилар. Мана шундай улуг зотлардан бири – Мовароуннахр фарзанди Абу Мансур ал-Мотуридий бўлди.

Ислом оламида имон-этикод масалаларида, хусусан, ақоид илмида ўзига хос ўрин эгаллаган улуг фикҳ олими, имом, калом илмининг мотуридия ақидавий йўналиши асосчиси Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд-Ханафий Мотуридий ас-Самарқандий «Ислом қомуси» да келтирилган манбаларга кўра милодий 870 (ҳижрий 256) йил Имом ал-Бухорий вафот этган йили азим Самарқанднинг Мотурид қишлоғида дунёга келди.

Мотурид - Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирининг номи. У ҳозирда бузилган шакли Матритдир².

Ҳазрати Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ислом оламида мартабалари ғоят юқори бўлган. Ул зот мусулмон оламида «Аламул Худа» (Ҳидоят байроғи), «Имомул Худа» (Ҳидоят имоми), «Мусаххихи ақийдати ахлис сунна» (Ахли сунна ақийдасини тўғриловчи), «Имомул Мутакаллимийн» (Мутакаллимларнинг имоми) номлари билан улуғланган.

Манбаларда Абу Мансур ал-Мотуридий фикҳ ва калом масалаларида ўша даврнинг машҳур олимлари Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Иёдий, Наср ибн Яхё ал-Баҳрий, Муҳаммад ибн ал-Фадл кабилардан таълим олгани қайд этилади. Унинг шогирдлари қаторида эса Абул Қосим Исҳоқ ас-Самарқандий, Абул Ҳасан Али ас-Самарқандий, Абу Муҳаммад Исо ал-Паздавий, Абу Аҳмад ал-Иёдий, Абул-Лайс ал-Бухорийлар ҳам бор эди.

«Имом ал-Мотуридий бутун умрини турли хил ақидавий оқимларга, айниқса, халифа Маъмун даврида гуллаб-яшнаган мўътазилларнинг ахли сунна вал жамоа ақидасига зид бўлган фирқаларига қарши ғоявий курашга сарфлади. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Абу Мансур ҳазратлари яшаган даврда ақида

уламолари икки асосий манбага суянганлар. Биринчиси - оят ва ҳадислар ҳамда саҳоба ва тобеинларнинг ижмоъ ва ижтиҳодлари, яъни нақлий далиллар. Иккинчиси - ақлий далиллар. Шайх Абу Мансур эса бошқаларга тақлид қилмасдан, нақлий далиллар билан ақлий далилларни уйғунлаштириб, ундан сўнг хулоса чиқарганлар»³.

Шайх Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ислом илмидаги ўзига хос ўрни мана шу ақлий ва нақлий далилларнинг ҳар иккисидан ўз вақтида фойдалана билганлиги, ўртаҳолликни ихтиёр қилганлиги бўлди. Кўплаб ислом уламолари ақлий далилларни инкор қилган ҳолатлар кузатилган эди. Аммо Имом Мотуридий бу қарашга қатъиян қарши бўлган ҳолда, ақл инсонга Аллоҳ таоло томонидан берилган улуг неъмат эканлиги, ундан ўз ўрнида фойдаланиш инсоннинг бурчилигини таъкидлаганлар. Албатта, нақлий далилларни англаш учун ақлий далилларни пухта билиш талаб этилиши исботланди. Аммо, шу ўринда Абу Мансур ал-Мотуридий ақлнинг ҳам имконияти чекланганлиги, зарур ўринларда инсоний ақл-тафаккур маълум ҳақиқатларни идрок этишга қодир эмаслигини ҳам эътироф этган эди.

Имом Мотуридий иймон ҳақида ҳам ўз қарашларини баён қила туриб, иймоннинг шартларини куйидагича таърифлайди: «Иқрор бил лисон ват тасдиқ бил қалб бима жоа биҳи мин индаллоҳи Муҳаммадур расулуллоҳи солаллоҳу алайҳи ва саллам», яъни «иймон – Муҳаммад, унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломлари бўлсин, Аллоҳнинг ҳузуридан келтирган нарсаларга тил билан иқрор қилиб, қалбан ишониш, тасдиқлаш» дан иборат.

Ҳазрат Абу Мансур ал-Мотуридийнинг бу қарашлари Ашъария таълимотидаги қарашлардан озроқ фарқ қилади. Зеро, Абул Ҳасан ал-Ашъарий иймонга: «Иқрор била лисон ва тасдиқ бил жанон вал амал бил аркон», яъни «иймон – тил билан иқрор, дил билан тасдиқ ва арконларга амал қилиш», дея таъриф бер-

² Қаранг: kh – davron.uz.

³ Тўлинов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Т.: «Шарқ» нашриёти-матбаа Акциядорлик компанияси таҳририяти, 2014.

ганлар. Имом ал-Мотуридий Имом Ашъарийдан фарқли ўлароқ, иймон шартларига амални киритмаганлар. Бунинг сабабига эса куйидаги ояти карималарни келтирганлар:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ

Оятнинг маъноси: Эй, иймон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар экансиз... (“Моида” сураси, 6-оят).

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

Оятнинг маъноси: Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилинган каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз (“Бақара” сураси, 183-оят).⁴

Шайх Абу Мансур ҳазратлари ўз билимларини ошириш билан бир қаторда ақоид, калом илми, шунингдек, баъзи ақидавий масалаларда адашган оқимларга раддиялар ҳам ёзиб қолдирдилар. Ул зотнинг кўплаб асарлари бизгача етиб келмаган. асарлари қаторида Ал-Мотуридийнинг ҳозиргача сақланган асари “Китоб ат-тавҳид” дир. У 1970 йилда Фатхуллоҳ Хулиф томонидан нашр этилган. Бу асар калом илмида қимматбаҳо ёдгорлик ҳисобланиб, Мотрудия ақидасига оид барча асарларнинг энг биринчи ва асосий манбаси, дея тан олинган. Ҳозир мазкур “Китоб ат-тавҳид” асари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Ал-Мотуридийнинг яна бир машҳур асари “Таъвилот аҳл ас-сунна”. Шунингдек, “Таъвилот ул-Қуръан” деб ҳам аталадиган бу асар саккиз жилддан иборат бўлиб, у Қуръони Каримнинг тафсири ҳисобланади. Асосан, ислом ақидасига нисбатан турли қарашлар баён этилиб, мотуридия ақидаси асосида уларга баҳо берилганлиги ва ақл ва нақл нуқтаи назаридан амалга оширилганлиги билан ажралиб туради. Таъвилот ул-Қуръан асарининг биринчи жилди Мисрда нашр этилган. Қолаверса, баъзи манбаларда келтирилишича, тафсирнинг тўлиқ нусхаси Ливиядаги Исломга даъват куллияси кутуб-

хонасида бангладешлик олим томонидан чоп этилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳозирги кунда кўлёзма нусхалари Макка, Дамашқ, Ҳиндистон, Туркия ва Тошкент кутубхоналарида ҳам сақланмоқда. Тошкент нусхаси бундан қарийб 700 йил олдин кўчирилган. Тафсирга Алоуддин Абу Бақр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий шарҳ ёзган. Мана шу икки асар “Таъвилот аҳл ас-сунна” ва “Китоб ат-тавҳид” ал-Мотуридийнинг шоҳ асарлари ҳисобланади. Ҳар икки асар ҳам калом илмининг турли масалаларида фикрлар илгари сурилган, ақидавий фирқаларда адашган оқимлар илмий нуқтаи назардан танқид қилинган.

Юқоридаги икки шоҳ асардан ташқари, Мотуридийнинг раддия доирасида ёзилган асарлари ҳам мавжуд. Булар: “Китоб ур радди ала ал-Калбий ал-Мўтазилий», “Китоб аҳвом ул-Мўтазила», “Китоб ур радди ала ал-Мўтазила», “Китоб ур радди ала ал-Қаромит», “Китоб ур радди ала ар-Рофиза», “Баёну ваҳ-



⁴ Қаранг: iia.uz.

мил-мўтазила», “Радду аводирил-фуссоқ» асарларидир.

Шунингдек, унинг “Рисола фил-ақида”(1953 йил Анкарада чоп этилган), “Рисола фил-имон”, “ал-Мақолот” каби асарлари ақидавий масалаларга ва “Маъхазуш-шариъа”, “Китабул-жадал” асарлари ислом ҳуқуқшунослиги, яъни фикҳга бағишланган.

Имом ал-Мотуридийнинг асарларининг сони манбаларда ўн бештани ташкил этиши қайд этилган. Аммо, улардан атиги учтасигина сақланиб қолган, дея эътироф этилади.

Абу Мансур Мотуридийни бир қатор улуг мутафаккирлар буюк зот сифатида эътироф этганлар. Масалан, ҳазрат Алишер Навоий “Насойим ул муҳаббат” асарида “Шайх Абу Мансур Мотуридий ўз замонининг аълам уламси эрмиш. Ул вақт уламси аларни “Султо-нул-муиззин” дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари била ораста эрмишлар”, деса, Имом ат-Термизий: “Имом Мотуридий ўз замонасининг энг буюк алломаларидан бири сифатида тан олиниб, барча унинг илми ва маърифатига таҳсин айтиб, унинг таълимоти зиёсини кўзларига тўтиё сифатида суртганлар. Шу боис Имом ал-Мотуридий нафақат унга хайрихоҳ кишилар, балки рақиблари наздида ҳам “Имом аҳл ас-сунна вал жамоа”, “Имом ал-худа” деган энг олий унвонга сазовор бўлиб, калом илмида ўзига хос бир мўъжиза сифатида довруғи тилларда дoston бўлган”, деган. Абул Муин ан-Насафий: “Мотуридий агар бирор бир мажлисда иштирок этолмай қолса, ҳатто унинг устози Абу Наср ал-Иёдий ўз шогирди-га нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббатнинг изҳори сифатида ўша мажлисда бирор сўз ҳам айтмас экан. Агар у Мотуридийни узоқдан бўлса-да, мажлисга келаётганини кўриб қолса, таажжуб билан унга тикилиб турар ва “Роббинг сени ўзи хоҳлаган ва ихтиёр қилгандек яратган”, - деб жилмайиб қўяр эди”, дейди.

Ислом Каримов: «Манбаларда гувоҳлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили,

яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо Имом Мотуридий таваллуд топган экан. Бу воқеа замирида шахсан менга илоҳий бир боғлиқлик, Аллоҳнинг буюк марҳамати бордек, бамисоли Имом Бухорийнинг нурли қаламини Имом Мотуридий олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлагандек туюлади. Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавфга қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради», деб ёзади.

Таъкидлаш лозимки, 2000 йил алломанинг 1130 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Самарқанд шаҳрида ал-Мотуридий хотирасига ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Мотуридий таълимотига бағишланган анжуманлар бўлиб ўтди. 2001 йили Гёттинген университетининг профессори Улрих Рудолф томонидан “Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” китоби чоп этилди⁵.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Мотуридий мероси мусулмон аҳлига эътиқодий масаларда тўғри йўл тутиш учун назарий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ул зот ақидада адашган турли оқимлар, айниқса, мўътазилийларнинг нотўғри қарашларидан бизни ҳимоя қила олди. Тўғри ҳаёт кечиришимиз, ислом дини ва калом илмининг моҳиятини тўғри талқин қилишимиз учун, эътиқод поклигини сақлаб қолишимиз учун ўз жонини хавфга қўйиб бўлса-да, бутун умрини турли ақидавий фирқаларда адашган оқимларга қарши илмий-ғоявий курашларга сарфлади. Бу эса ислом жамиятида ғоят улкан жасорат эди.

⁵ Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашри, 2001. –398 б.